

Боғ-роғлар яратамиз



Суратда: (чапан ўнган) Нишонбой Пирназаров, Кирил Рузанов, Турғунбой Эргашев ва Рус-там Улугов ўртоқлар экиш учун қўчат тайёрламоқдалар.

Жамоатчилик ташаббуси

Колхоз чойхонаси қариялар ва ёшлар билан гавжум. Сухбат қишлоқни обод қилиш устида борлади.

— Бундан 3—4 йил илгари бўлган совуқ мевадаринини қақшатиб кетди, — деди суҳбат орасида 62 ёшли кекса колхозчи Тилла Мўминов, — шу туфайли ҳўл мева анча камчил бўлиб қолди. Фикримча шу йил ҳам, мамиз ўз томорамиз ва колхознинг пахта экишига нуқулай бўлган ерларига яхши ният билан мевадан дарахт қўчатлари эксак. Ҳа демай ҳосилга кириб қолди.

Тилла отанинг маслаҳати кекса қарлагани Ҳасан ота Саидовга ҳам маъқул тушди.

— Шу ишни илгарироқ қилиш эсга ҳам келмабди, бироқ, Энди ўтган ишга саловат. Ҳали ҳам кеч эмас. Ғайрат қилсак 2—3 йилда яна мевага сероб бўлиб қоламиз.

Кексалар бу йил қўчмамда 1000 тупдан мевадан ва соя берувчи дарахт қўчатлари ўтказишга аҳд қилдилар. Тилла ва Ҳасан оталарнинг бу фикрига суҳбатда ўтирган бошқа қариялар ҳам қўшилишди.

Эртаси кун кексалар маслаҳатдан бутун қишлоқ хабардор бўлди. Тилла Мўминов ва Ҳасан Саидовларнинг ташаббусини Сталин номи колхоз партия ташкилоти ҳам маъқуллади. Бу воқеа бундан бир ҳафта илгари бўлган эди.

Ҳозир оппоқ соқолли нуруний кексалар, уларнинг ташаббусидан иборат олган йигит ва қизлар, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар лада ишларидан ташқари вақтларда кўча четла-

ри, лада шийпонлари ва бошқа боғ учун қўлай бўлган жойларга қўпала, ниҳоллар ўтказиб, боғ яратмоқдалар.

— Дарахт қўчатлари ўтказиш учун, — дейди колхоз партия бюросининг секретари Фозил Малиев, — пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш учун нуқулай бўлган ҳар бир қарич ердан фойдаланмоқдамиз.

Колхоз комсомол ташкилотининг ташаббуси билан барча далачилик бригадалари ва чорвачилик фермаларида ҳаваскор боғбонларнинг кўнгилли группалари тузилди. Колхозда мевазор боғ, узумзор ва дарахтзорлар барпо этиш ҳаракати шу йил кенг тус олди, колхоз қўчатзорлари бригадалари ташаббускорларга қўчат етказиб беришга шўшилиб қолди. Қўчатзорда ишловчи Нишон ота Пирназаров, унинг шоғирли Рустам Улугов, Турғунбой Эргашев ва қўчатзор мудир Кирил Рузанов ўртоқлар шу кунларда эрта тонгдан то қош қорайгунча қўчат тайёрлаш билан бандлар.

— Менинг боғбонлик қила бошлаганимга эллик йилдан ошди, — дейди Кирил Рузанов, — аммо бу йилгидек қўчат ўтказишга қизгин киришини биринчи кўришим. Бу жуда қувончли иш.

Ҳозир колхоз территориясиндаги қирқ гектар ерда янги боғ-роғ барпо этилди. Бу боққа колхозчилар, узум, олма, нок, шафтоли, олхўри ва бошқа мевадан дарахтларнинг янги, серҳосил навларини экишлар. Бундан ташқари 15 гектар ерда те-ракзор барпо этилаётди. Жула қўп жойларга тол, акация ва

бошқа қўрилиш материаллари бор дарахт қўчатлари ўтказилаётди.

— Қўчат экиб қўрилиш материалли олишда ачча тажриба-миз бор, — дейди колхоз раиси Абдулла Ортиқов, — Бундан олдинги йилларда экилган терак ва толаринини кесиб, колхозчилар учун ўнлаб турар-жой бинолари қўрдик. Бир неча лада шийпонлари, мактаб устакхонаси, сирхона, отхона ва қўчқархона қуришда ҳам ана шу ўзимиздан чиққан ёғочлардан фойдаландик. Колхозимизда ети йилликда жуда кўп қўрилиш бўлди. Бунинг учун анчагина қўрилиш материаллари зарур. Ана шуни ҳисобга олиб, ҳозирдан ишни руҳа қилмоқдамиз.

Янгийўл район партия комитети Сталин номи колхоз жамоатчилигининг боғ-роғлар барпо этиш юзасидан бошлаган яхши ташаббусини маъқуллаб, райондаги бошқа қишлоқларнинг аҳолисини ҳам уларга эргаштишга чақирди. Ҳозир райондаги Карл Маркс номи, «Шарқ юлдузи», Ленин номи, «Коммунизм» ва Свердлов номи колхозларида мевазор боғлар, узумзор ва дарахтзорлар барпо этиш ҳаракати те кенг аж олди. Яқин йиллар ичида районнинг қишлоқлари ширин-шарбат меваларга сероб бўлади, зарур қўрилиш материаллари ҳам ўзларидан чиқади.

Областининг бошқа районларидаги колхозларнинг аъзолари ҳам янгийўлликларнинг ватанпарварлик ташаббусидан ўрнак олсалар арзийди.

И. АЛЕКСАНДРОВ.

Хушхабарлар

ЧЕХОСЛОВАКИЯЛИК ДУСТЛАРИНИНГ МИННАТДОРЧИЛИГИ

Пойтахтимиздаги «Таштекстильмаш» заводининг йиғувчи слесарларидан бир группаси яқинда Чехословакия Халқ Республикаси сафаридан қайтиб келишди. Улар ўз заводларида тайёрланган йиғув ҳамда ровнич машиналарини Чехословакиянинг Слизан шаҳридаги туқимачилик корхоналарида ўрнатиб ва монтаж қилишда ёрдамлашиш учун борган эдилар.

Кунги кеча завод дирекцияси номига Чехословакиядан мактуб келди. Хатда Слизан шаҳар туқимачилари тошкентлик дустлари кўрсатган ёрдам учун қўқур миннатдорчилик изҳор қилганлар.

Б. Гольдин.

РАДИО АЛОҚА ЁРДАМИ БИЛАН

Оҳангарон қўмир разрезидан портатив радиостанция ўрнатилди. Кон диспетчери ана шу радиостанция орқали кабинетда туриб разрездаги барча экскаватор машиналари билан алоқа боғлай олади. Бу, кон ишларида оператив раҳбарлик қилишни бирмунча яхшилади.

Ф. Петров.

МАТЕМАТИКА НЕЧАСИ

Тошкент шаҳридаги Навоий номи 40-мактабда «Ўрта Осиё математикалари» деган темада кеча ўтказилди. Ўқувчиларнинг бу нечасида физика-математика фанлари докторлари, профессор Қўри Нисёй, Сирожидинов ва бошқалар иштирок этдилар.

Кечада 10-синф ўқувчиларидан бир неча киши Ўрта Осиёнинг буюк олимлари ва математикалари Бируний, Хоразмий, Умар Хайём, Алхўзинийларнинг ҳаёти ва илмий фаолиятлари ҳақида доклад қилдилар. Илгилги қатнашчиларга ҳаваскорлар концерт қўйиб бердилар. Юқори синф ўқувчилари эса математик инсценировкани намойиш қилдилар.

Б. Пўлатов.

Квадрат-уялаб чигит экувчи янги севялалар

«Ўзбексельмаш» заводи чигитни доналаб квадрат-уялаб экувчи СХТ-4 ва СТВХ-4 маркали севялалар ишлаб чиқара бошлади. Бу янги машиналар туки тозаланган нуруқ чигитни экиди. СХТ-4 ва СТВХ-4 севялаларининг афзаллиги шунданки, чигитни 4 қатор қилиб 60х60 схемасида экиш билан бир вақтда, қатор ёнига ўнгит ҳам тўкиб кетади. Севялаларга ҳар уюмга туки тозаланган ва сортланган нуруқ чигитдан 4-6 дона ташлаб турадиган янги экиш аппарати ҳам ўрнатилган.

Чигитни ана шу янги усулда экинганди нўпалаб нуруқли ва агана қилиш учун сарфланган меҳнат кемалади. Пахтачиллик бўйича махсус давлат конструкторлик бюроси томонидан проекти ишланган бу янги севялалардан завод бу йил 45 та ишлаб чиқаради ва синаб нуриш учун колхоз, совхозларга ҳамда Ўрта Осиё машина синаш-тажриба станциясига юборади. Машина синаш муваффиқияти чинса, завод уни оммавий равишда ишлаб чиқара бошлайди.

М. СОАТОВ,

инженер-технолог.

Арманистонлик ҳунарманднинг янги ижоди

Ўзининг нодир микро гравирулари билан Совет Иттифоқидagina эмас, балки чет элларда ҳам машҳур бўлган арманистонлик ҳунарманд Эдуард Ка. зарян янги-янги нарсалар яратмоқда.

Мана унинг КПСС XXI съездида атаб яратган бир иши: олтинренг оникс (ҳақин қилидан бўлган минерал) дан қилинган ичигича ёй ўқи ҳавога отилиб чиққансмон қилиб ясалган, у сал эгиллиб турибди. Ана шу ўқ учига диаметри тўрт сантиметр бўлган Ер шарини макети осиб қўйилган. 6000 та ёниб турган тош билан планетамиздаги ҳамма қитъа ва океанлар ширининг оникс билан қопланган сатҳига ўйиб туширилган.

Ер шарини устида совет ер сунъий йўлдоши олтин рангда порлаб турибди. Сунъий йўлдошининг диаметри ярим сантиметрдан сал ошмироқ. Унга оптик прибор ўрнатилган. Оптик прибор ер шарини томон, Ватанимиз пойтахти — Москвага йўналтирилган. Москва эса ер шарда ёқут юлдуз билан ифода этилган.

Оптик приборнинг окулярида маконт тўшидан қилинган икки миллиметр катталикдаги оқ пластинка кўзга қалнади. Ана шу пластинкага қўйилган сўзлар ёзилган: «КПСС XXI съезд, дига яхшиликнинг қадрига етувчи арман халқидан алағнали салом».

Гўдак эса гулга итилди.

М. Нуритдинов фототўюди.

Пойтахтимиз меҳмонлари

Сапира қуроли билан...



Суратда: артист М. Миронова ва Панаев «ОРУДА» номерини ижро этишгайр.

РСФСРда хизмат кўрсатган артист Мария Миронова ва Алесандр Менакерларнинг ижодий кечалари шу кунларда пойтахтимиздаги Свердлов номи концерт залда муваффақият билан ўтмоқда. Ижодий кеча программаси икки бўлимдан иборат бўлиб, ёзувчи Борис Ласкин ёзган кичик сатирик асарлардан иборатдир. «Милициянинг сезгир назари» ва «Ажралиш ҳақидаги иш кўрилиши» деб аталувчи бўлимлардаги номларини тамошбин гоҳ қўлиб, гоҳ жиддий қиёфада мароқ билан кузатади. Ҳаётимизда ҳали ҳам учраб турадиган зарарли сарфитлар, камчиликлар, социалистик ахлоқ қоидаларини буғичилар бу моҳир эстрада артистлари томонидан аёвсиз танқид остига олинди, ана шуларга қарши кураш умум жамоатчилик иши эканлиги гоёси талқин этилади.

Эстрада группасида атиги 5 киши. Лекин группала ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Миронова, Менакер ва Панаевлар турли сатирик образларни маҳорат билан ижро этишса, Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурс лауреати, ксилофон чалиш санъати билан Англия, БАР ва Германия Демократик Республикасида ҳам муваффақият қозониб келган К. Михеев, пионери Н. Светлановлар тамоша кўзюмига ҳамойин қўйлар чалиб тамошобинларини хурсанд қилишди.

Меҳмонлар Тошкентда 12 апрелгача бўлади, сўнг Сталинобод. Ахшобов ва бошқа шаҳарларга гастролга жўнаб кетадилар.

Н. НАСИМОВ.

Ойбек ижодига бағишланган конференция

Бекобод районидagi 29-ўрта мактаб кутубхонаси ва Калинин қишлоқ совети ҳузуридаги кутубхона ҳоҳимлари ҳамкорлида «Атоқли ёзувчи Ойбекнинг проза асарлари» деган темада китобхоналар конференцияси ўтказилди.

Конференцияда 10-синф ўқувчиси Аҳмедов Ойбек ижоди ҳақида доклад қилди. Шундан сўнг юқори

синф ўқувчиларидан Т. Дўматов, Л. Муртазоева, К. Пирназаров, М. Нисёзова, Қ. Сувонова ва Ж. Икромовлар ёзувчининг «Навоий», «Қутлуг қон» ва «Олтин воддан шабадалар» каби асарлари ҳақида гапирдилар. Конференцияга ҳақ икки кутубхона аъзоларидан 100 га яқин киши қатнашди.

М. МАҚМУДОВ.

ФИЗКУЛЬТУРА

ВА СПОРТ

Область спортчиларининг таъсис конференцияси

Яқинда Тошкент область спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Тошкент область партия комитетининг секретари И. М. Пилаев КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда физкультура ва спортга раҳбарлик қилиш ҳақида» қарори муносабати билан областда физкультура ва спорт ишларини яхшилаш вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва музокарага чиққан ўртоқлар областда физкультура ва спорт ишларида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гапириб билан бирга, бу соҳадаги жиддий камчиликларини ҳам очиб ташлашди.

Конференция областда физкультурачилар ҳаракатини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган қарор қабул қилди.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон ССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи Тошкент область Совети, ревизия комиссияси ҳамда спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзининг биринчи республика конференциясига делегатлар сайлашди.

Шахмат

Тошкентдаги Горький номи болалар паркиннинг шахмат базасида Ўзбекистон ёшлар спартакиадаси программаси бўйича шахмат мусобақаси бошланди. Бу мусобақада «Меҳнат», «Бўрестиник», «Пахтакор», «Меҳнат резервари», «Локомотив», «Спартак» ва «Динамо» кўнгилли спорт жамиятларидан иккитадан (ёшлар ва ўсмирлар) командалар қатнашмоқда.

Шашка

Киров райпийшкеторининг клубида Тошкент биринчилиги учун хотин-қизлар ўртасида шашка мусобақаси бошланди. Мусобақада 16 шашкачи қатнашмоқда. Биринчилик учун кураш 30 апрелгача давом этади.

Телевидор экраниди

5 АПРЕЛДА

12.00. Бадий фильм — «Андрейес дустлар».
19.00. Қишлоқ хўжалик ҳодимлари ўшан ўзбек тилида эшиттириш.
19.15. Бадий фильм — «Тоғгаги ўт».
20.35. Сўнгги ахборот.
20.55. Кинужурнал.
21.05. Эстрада концерт.

6 АПРЕЛДА

19.30. Ўзбек тилида «Мейдоир студиямида» деган эшиттириш.
19.50. Бадий фильм — «Солдатлар».
21.30. Сўнгги ахборот.
21.50. «Чинада» деган илмий-оммабоп фильм.
22.10. Ўзбекистон композиторлари операларидан нури-нишлар.

Редактор З. ЕСЕНБОВЕВ.

Шаҳар кўналамзорлаштирилмоқда

Шу кунларда Чирчиқ шаҳрининг кўча ва майдонларини, саноат корхоналари территорияларини кўналамзорлаштириш учун соя берувчи хўшманзарали кўпала дарахт қўчатлари ўтказилаётди. Бу ишда қаттиқ қўшимчалар заводи ишчи ва хизматчилари намуна кўрсатмоқдалар. Улар шу кунгача завод территориясига, ишчилар шаҳарчасига, янги барпо этилган кўчаларга, майдон ва ҳовлиларга 20 минг тупдан ортқ қўч, акация, терак, ёнғоқ ва бошқа хил дарахт қўчатлари ўтказдилар.

Т. УРУНОВ.

Мевалар мўл бўлсин учун

Юқори Чирчиқ районидagi «НН Интернационал» колхозида баҳорги қўчат ўтказиш ишлари қизгин бормоқда. Колхоз аъзолари бу ишда актив қатнашадилар. Колхозда мевазор ташкил қилиш мақсадида 50 гектар ер ажратилиб 9 минг тупга яқин олма, ўрик, шафтоли, ёнғоқ, нок, олхўри каби мевадан дарахт қўчатлари экилди. Икки гектар ер тутазор қилди.

Колхоз правлениеси ўтказилган қўчатларни алайлаб сақлаш ва парвариш қилиш учун махсус кишилар ажратди.

А. НУРТОВЕВ.



Зумрад баҳор, биринчи фарзанд, Меҳри жўшиб, фарзандин суйиб, Бундан ортқ бахт борми яна! Дилбандини бағрига босиб, Унга қўқиб қуладди она.

Гўдак эса гулга итилди.

М. Нуритдинов фототўюди.